

## XII. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ ВА ЎРТАЧА ИШ ҲАҚИ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-март ҳолатига вилоят доимий аҳолисининг сони 3 766,0 минг кишини ташкил этиб, ўтган йил нисбатан 70,4 минг кишига ёки 1,9 фоизга кўпайди. Шундан, 2 124,7 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 56,4 фоизи) ва 1 641,3 минг киши – қишлоқ жойларида (43,6 фоизи) истиқомат қилади.

### Вилоят ҳудуди ва аҳоли зичлиги (2020 йил 1 апрель ҳолатига)

	<i>ташкил топган сана</i>	<i>ҳудуди, минг кв. км</i>	<i>доимий аҳоли сони, минг киши</i>	<i>1 кв. км га аҳоли зичлиги, киши</i>
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>15.01.1938</b>	<b>6,759</b>	<b>3 766,0</b>	<b>557,2</b>
<i>шаҳарлар:</i>				
Фарғона	1877 й.	0,1003	290,0	2891,3
Қўқон	X аср	0,037	253,7	6856,8
Қувасой	14.06.1954 й.	0,264	93,5	354,2
Марғилон	X аср	0,041	235,9	5753,7
<i>туманлар:</i>				
Олтиариқ	29.09.1926 й.	0,631	211,2	334,7
Қўштепа	16.04.1952 й.	0,368	190,0	516,3
Бағдод	31.12.1964 й.	0,333	215,2	646,2
Бувайда	26.12.1973 й.	0,279	227,6	815,8
Бешариқ	29.09.1926 й.	0,774	228,0	294,6
Қува	10.02.1939 й.	0,438	257,9	588,8
Учкўприк	29.09.1926 й.	0,275	228,4	828,1
Риштон	09.01.1967 й.	0,307	201,7	657,0
Сўх	27.02.1990 й.	0,221	77,9	352,5
Тошлоқ	12.04.1973 й.	0,243	201,9	830,9
Ўзбекистон	17.04.1963 й.	0,689	238,6	346,3
Фарғона	22.02.1964 й.	0,6117	213,0	348,2
Данғара	07.12.1970 й.	0,435	173,5	398,9
Фуркат	09.04.1992 й.	0,305	117,6	385,6
Ёзёвон	27.12.1980 й.	0,407	110,4	271,3

Фарғона вилоятининг маъмурий-ҳудудий ташкил топиши 1938 йилнинг 15 январидан бошланади. Ҳудуди 6,8 минг квадрат километр ташкил этади ёки мамлакатимиз ҳудудининг 1,5 фоизига тенг. Вилоятимиз шимолдан Наманган вилояти, шарқдан Андижон вилояти, жануб томондан Қирғизистон Республикасининг Ўш ҳамда Баткен вилоятлари ва ғарбдан Тожикистон Республикасининг Хўжанд вилояти билан чегарадош. Вилоятнинг Сўх тумани ҳамда Фарғона туманининг Шоҳимардон ва Ёрдон, Риштон туманининг Чўнғара қишлоқлари вилоят, Республика ҳудудидан ташқарида, Қирғизистон Республикаси ҳудудида жойлашган.

Вилоят маъмурий ҳудудий бўлинишига кўра 4 та вилоят миқёсидаги шаҳар, 15 та туман, 5 та туманлар тасарруфидаги шаҳарлар, 197 та шаҳар типдаги посёлкалар, 1 227 та аҳоли яшаш пунктлари ҳамда 1 038 та маҳалла фуқаролар йиғинларидан ташкил топиб, уларда 3 766,0 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Вилоятнинг маъмурий маркази Фарғона шаҳри.

Вилоятнинг иқлими кескин континентал, қуруқ. Тоғ тизмалари Фарғона водийсига совуқ ҳавонинг кириб келишини тўсиб турганлиги боис, қишда об-ҳаво бир мунча мўътадил. Ёзи иссиқ, июлнинг ўртача ҳарорати 27,5°C, қиши нисбатан совуқ, январнинг ўртача ҳарорати -3°C. Вегетация даври 217 кун, йиллик ўртача ёғин миқдори 200-250 мм.ни ташкил этади.

Тупроқлари бўз, қўнғир, ўтлоқи, ботқоқ тупроқлар, қумтош, мергел чакиртошлардан иборат бўлиб, экин экилмайдиган текисликлар қисмида турли ўсимликлар, тоғ ён бағирларида писта, бодом ўсади. Ёввойи ҳайвонлар (бўри, тулки, қобон ва бошқалар) кам учрайди, судралувчилар, кемирувчилар, қушлар, сув ҳавзаларида балиқлар бор.


Географик жойлашуви, табиий, минерал хом-ашё ресурсларининг мавжудлиги вилоятда азотли ва фосфорли ўғитлар, нефть маҳсулотлари, оҳақтош, соғ тупроқлар (ғишт, черепица учун хом-ашё), мрамар, цемент хом-ашёси, шағал, енгил саноат, хусусан тўқимачилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш учун янада қулайдир. Вилоятда фойдали қазилмаларнинг 43 тури аниқланган бўлиб, улардан 21 таси ўзлаштирилмоқда.

**Фарғона вилояти ҳудудлари**  
**бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот**  
*(2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига )*

	Доимий аҳоли сони, минг киши			Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, фоизда		
	жами	шу жумладан:		жами	шу жумладан:	
		шаҳар	қишлоқ		шаҳар	қишлоқ
<b>Фарғона вилояти</b>	<b>3 766,0</b>	<b>2 124,7</b>	<b>1 641,3</b>	<b>101,9</b>	<b>56,4</b>	<b>43,6</b>
<i>шаҳарлар:</i>						
Фарғона	290,0	290,0		101,7	100,0	
Кўкон	253,7	253,7		101,7	100,0	
Кувасой	93,5	52,6	40,9	101,6	56,3	43,7
Марғилон	235,9	235,9		101,7	100,0	
<i>туманлар:</i>						
Олтиариқ	211,2	159,6	51,6	101,9	75,6	24,4
Кўштепа	190,0	74,4	115,6	102,0	39,2	60,8
Бағдод	215,2	111,0	104,2	102,2	51,6	48,4
Бувайда	227,6	109,1	118,5	102,1	47,9	52,1
Бешариқ	228,0	80,2	147,8	101,9	35,2	64,8
Қува	257,9	119,7	138,2	101,8	46,4	53,6
Учкўприк	228,4	41,4	187,0	102,1	18,1	81,9
Риштон	201,7	129,2	72,5	101,8	64,1	35,9
Сўх	77,9	49,5	28,4	102,0	63,5	36,5
Тошлоқ	201,9	46,9	155,0	102,0	23,2	76,8
Ўзбекистон	238,6	103,5	135,1	102,0	43,4	56,6
Фарғона	213,0	133,4	79,6	102,0	62,6	37,4
Данғара	173,5	40,5	133,0	102,1	23,3	76,7
Фурқат	117,6	27,7	89,9	101,6	23,6	76,4
Ёзёвон	110,4	66,4	44,0	102,0	60,1	39,9

Шаҳарлар ичида энг кўп аҳоли Фарғона шаҳрида 290,0 минг киши (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,7 фоизга ўсган) ва туманларда энг кўп аҳоли Қува туманида бўлиб, 257,9 минг кишини ташкил қилади (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,8 фоизга ўсган).

**Ҳудудлар кесимида доимий аҳоли сонинг тақсимланиши**  
(2020 йил 1 апрель ҳолатига; вилоят жами аҳолисига нисбатан, % да)



**Январь–март ойларида вилоят бўйича аҳолининг  
табiiй ҳаракати коэффициентлари**


Кўрсаткичлар	минг киши		1000 аҳолига нисбатан	
	2019 йил	2020 йил	2019 йил	2020 йил
Туғилганлар	16,9	18,7	18,6	20,0
Ўлганлар	4,4	4,1	4,8	4,4
<i>шу жумладан бир ёшгача болалар</i>	0,1	0,1	6,0	8,0
Никоҳлар, мингта	5,2	4,8	5,7	5,2
Ажралишлар, мингта	0,8	0,8	0,8	0,9

**Туғилиш даражаси.** 2020 йилнинг январь–март ойлари туғилганлар сони 18,7 минг кишини ташкил этди ва 2019 йилнинг шу даврига (16,9 минг киши) нисбатан 1,8 минг кишига кўпайди, шунга мос равишда туғилиш коэффициенти 20,0 промиллени ташкил қилди.

Туғилиш даражасининг кўпайиши вилоятнинг Учқурик туманида 19,5 дан 22,8 промилле, Данғара туманида 19,8 дан 22,6 промилле, Тошлок туманида 20,2 дан 22,5 промиллега, Қўштепа туманида 19,9 дан 20,7 промиллега, Боғдод туманида 18,9 дан 20,7 промиллега кузатилди.

**Аҳолининг табiiй ҳаракати коэффициенти**

*(2020 йилнинг январь–март ҳолатига (1 000 аҳолига нисбатан, промилле))*




**Ўлим даражаси.** 2020 йилнинг январь-март ойларида ўлганлар сони 4 111 кишини ташкил қилди ва 2019 йилнинг шу даврига (4 370 киши) нисбатан 259 кишига камайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,4 промиллени ташкил қилди (2019 йил январь-март ойларида 4,8 промилле).

Ўлганлар сонининг камайиши вилоятимизнинг ҳар бир шаҳар ва туманида юз берган бўлиб, энг кўп камайиш Фарғона шаҳрида 5,4 дан 5,8 промилле, Фурқат туманида 6,4 дан 5,6 промиллега кузатилди, Қўқон шаҳрида 5,6 дан 5,0 промилле, Марғилон шаҳрида 5,9 дан 4,9 промилле, Данғара туманида 5,4 дан 4,9 промилле.

Ўлганлар умумий сонининг 65,7 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 9,4 фоизи ўсма касалликларидан, 5,0 фоизи овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 4,5 фоизи бахтсиз ходисадан, 4,5 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан вафот этган.

**Ўлганлар умумий сонининг таркибий тузилиши**  
(2020 йилнинг 1-апрель ҳолатига, фоизда)



Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-март ойларида бир ёшга тўлмаган 175 та болалар ўлими кузатилди. Гўдаклар ўлими коэффициенти 8,0 промиллени ташкил қилди (2019 йилнинг январь-март 6,0 промилле).

Бир ёшгача ўлган болалар умумий сонининг 25,7 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 15,4 фоизи туғма аномалиялардан, 22,9 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан, 5,7 фоизи инфекция ва паразит касалликларидан ва 3,4 фоизи бахтсиз ходиса, захарланиш ва шикастланиш оқибатида вафот этган.

**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2020 йилнинг январь-март ойлари шаҳар, туман ҳокимликларининг ФХДЁ бўлимларида 4 861 та никоҳлар ва 797 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 5,2 та никоҳ (2019 йилнинг тегишли даврида 5,7 та) ва 0,9 та ажралишлар (2019 йилнинг тегишли даврида – 0,8 ) тўғри келади.

**Январь–март ойларида тузилган никоҳлар  
ва никоҳдан ажралишлар сони**  
(бирликда)

	Тузилган никоҳлар		Никоҳдан ажралишлар	
	2019й.	2020й.	2019й.	2020й.
<b>Вилоят</b>	5214	4861	757	797
<i>шаҳарлар:</i>				
Фарғона	346	329	101	139
Қўқон	363	326	97	91
Қувасой	90	81	30	16
Марғилон	172	154	52	51
<i>туманлар:</i>				
Олтиариқ	261	290	31	45
Қўштепа	130	121	23	53
Бағдод	322	294	44	48
Бувайда	274	282	33	31
Бешариқ	498	490	38	37
Қува	403	342	39	31
Учқўприқ	332	254	32	30
Риштон	334	304	43	40
Сўх	183	206	9	9
Тошлоқ	180	181	21	32
Ўзбекистон	383	342	38	47
Фарғона	307	305	52	42
Данғара	276	239	35	18
Фурқат	237	226	25	18
Ёзёвон	123	95	14	19

**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-март ойларида вилоятга кўчиб келганлар сони 2 752 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 3 398 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 646 кишига (2019 йилнинг шу даврида – минус 269 киши) тенг бўлди. Энг катта минус қолдиқлар Ўзбекистон тумани (минус 121 ), Бешариқ тумани (минус 101) ва Риштон тумани (минус 100) кузатилди.


**Январь–март ойларида аҳолининг миграция кўрсаткичлари**  
(киши)

	<i>Келганлар</i>		<i>Кетганлар</i>		<i>Миграция сальдоси</i>	
	<i>2019й.</i>	<i>2020й.</i>	<i>2019й.</i>	<i>2020й.</i>	<i>2019й.</i>	<i>2020й.</i>
<b>Вилоят</b>	<b>4 188</b>	<b>2 752</b>	<b>4 457</b>	<b>3 398</b>	<b>-269</b>	<b>-646</b>
<i>шаҳарлар</i>						
Фарғона	1 252	836	582	560	670	276
Қўқон	374	276	394	307	-20	-31
Қувасой	155	85	116	78	39	7
Марғилон	442	248	353	283	89	-35
<i>туманлар</i>						
Олтиариқ	104	48	177	122	-73	-74
Қўштепа	180	123	299	198	-119	-75
Бағдод	214	119	220	140	-6	-21
Бувайда	114	71	235	137	-121	-66
Бешариқ	102	53	138	154	-36	-101
Қува	157	83	190	169	-33	-86
Учкўприқ	123	49	276	135	-153	-86
Риштон	135	76	177	176	-42	-100
Сўх	2	4	8	16	-6	-12
Тошлоқ	93	155	229	184	-136	-29
Ўзбекистон	236	70	275	191	-39	-121
Фарғона	231	220	236	201	-5	19
Данғара	208	149	262	157	-54	-8
Фуркат	22	57	211	125	-189	-68
Ёзёвон	44	30	79	65	-35	-35


Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь–март ойларида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2 138,0 минг сўмни ташкил қилди ва 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 12,8 фоизга ошди. Энг юқори ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи Фарғона шаҳарда 2 831,7 минг сўмни, Қўқон шаҳарда 2 285,6 минг сўмга тўғри келди.



**Январь-март ойлари давомида ўртача  
номинал ҳисобланган иш ҳақи  
(минг сўмда)**



**Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳаққининг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**  
( 2020 йил январь–март, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик  
субъектларисиз минг сўмда)



Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳаққининг энг юқори миқдори молия ва суғурта фаолиятига тўғри келиб, 4 881,7 минг сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич қурилишда 2 056,5 саноатда 2 738,9 ва таълим соҳасида 1 921,3 минг сўмдан иборат бўлди.

**Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**  
(январ-март ойлари қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларисиз, минг.сўмда)

	2019й.	2020й.	Ўсиш суръати %
<b>Вилоят</b>	<b>1 665,3</b>	<b>2 138,0</b>	<b>128,4</b>
<i>шаҳарлар</i>			
Фарғона	2 046,7	2 831,7	138,4
Қўқон	1 810,7	2 285,6	126,2
Қувасой	1 629,5	2 031,2	124,7
Марғилон	1 606,1	1 967,1	122,5
<i>Туманлар</i>			
Олтиариқ	1 474,1	1 919,2	130,2
Қўштепа	1 397,6	1 674,0	119,8
Бағдод	1 488,6	1 957,8	131,5
Бувайда	1 365,0	1 648,1	120,7
Бешариқ	1 310,2	1 566,2	119,5
Қува	1 391,5	1 783,4	128,2
Учкўприқ	1 461,4	1 827,8	125,1
Риштон	1 413,2	1 811,5	128,2
Сўх	1 514,9	1 846,9	121,9
Тошлоқ	1 666,0	2 023,5	121,5
Ўзбекистон	1 512,8	1 785,5	118,0
Фарғона	1 330,4	1 626,0	122,2
Данғара	1 395,2	1 651,8	118,4
Фурқат	1 559,1	1 973,8	126,6
Ёзёвон	1 651,7	1 917,0	116,1